

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 44 КУН ҚОЛДИ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## ЖАЛҚ СЎЗИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИ VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BAZИPAPAP MAҚKAMACИHИHГ ГAZETACИ



2000 йил 19 июл чоршанба Сетувда эркин нархда № 138 (2435)

1991-2000



Мустақиллигимизни асраш ва мустақамлаш — қутлуғ бурчимиздир!

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 июл куни Оқсарой қароргоҳида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Марк Данзонни қабул қилди. Бу ҳамкорлик мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш билан бирга, катта амалий аҳамиятга ҳам эга бўлмоқда. Хозирги кунда мамлакатимизда ўндан ортиқ қўшма лойиҳа амалга оширилган. Мазкур халқаро ташкилот билан турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш,



соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаш, молиялаш каби тадбирлар бўйича кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўтган йилнинг августидан эса Ўзбекистон оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши миллий дастурни муваффақиятли амалга оширгани учун ташкилотнинг

махсус мукофотиغا сазовор бўлди. Европа минтақавий бюросининг эндиги мақсади юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни ҳаётга янада қатъийроқ татбиқ этиш, айрим хорижий давлатларда тарқалаётган турли юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш борасида ва бошқа тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат. Оқсаройда бўлган учрашувда томонлар ана шу масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА) СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, 2000 йил 6 июл куни Белгиянинг Кортрейк шаҳрида Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов бошчилигидаги делегация иштирокида Фарбада Авиценна номи билан машҳур бўлган аллома Абу Али ибн Сино ҳайкаlining очилишига бағишланган расмий маросим бўлди. Ўзбекистон ва Белгия халқлари, Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзига айланб қоладиган бундай қimmatли ҳаёда учун Сизга чин юракдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Ташриф натижалари ва шаҳарларимиз делегациялари музокаралари якунлари

бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баённома имзоланиб, унда бир қанча ҳамкорлик лойиҳалари ўз ифодасини топган. Ишончим комилки, бундай ҳамкорлик натижасида шаҳарларимиз ўртасида узоқ муддатли ва мустақам алоқалар ўрнатилди. Фурсатдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, келгусида Белгияга ташриф буюрсангиз, Сизни, жаноби Президент, Кортрейк шаҳрида қабул қилиш ва Авиценнанинг ажойиб ҳайкаlining кўрсатишини ўзимиз учун катта шараф, деб биламиз. Энг эзу тилаклар билан, Барон Эммануэл де БЕТОН, Кортрейк шаҳри бургомистри.

### Белгияда Ибн Синога ҳайкал қўйилди

Тошкент билан Кортрейк ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганига 10 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги Белгиянинг бу шаҳрига буюк мутафаккир бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳайкаlining тақдим этди.

Хайкаlining очилиш маросимида Белгия ҳукумати, ушбу мамлакат Ташки ишлар вазирлиги, Фландрия парламенти, дипломатик корпус вакиллари ва журналистлар иштирок этди. Тантанали маросимда сўзга чиққан бургомистр Эммануэл де Бетон Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Шунингдек, у Кортрейкка тақдим қилинган қimmatли совға учун Ўзбекистон ҳукумати ва миннатдорлик изҳор этди. Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов ва Ўзбекистоннинг Белгиядаги элчиси Ш.Хамроқулов ўз нутқларида Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган илмий меросининг инсоният тарихидаги ўрни тўғрисида сўзлади. Нотиклар Ўзбекистон билан Белгиянинг савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Ўзбекистоннинг ислохотларни амалга оширишдаги ютуқлари, мамлакатда юз бераётган иқтисодий ва демократик ўзгаришлар ҳақидаги сўзлар йиғилганлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Фландрия парламенти, шунингдек, шаҳар оқсоқоллари кенгаши Тошкентдан келтирилган дўстона тўдифани юксак қадрлашни билдириб, буюк Шарқ мутафаккири ҳайкаlining пойидаги майдон халқлар дўстлиги рамзига айланб, халқ сайлиғи бўлиб қолишига ишонч билдирди. Хайкал очилганидан сўнг

Ўзбекистон ва Белгиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган "Момогул" миллий фольклор ансамбли маросим иштирокчиларига қувноқ куй ва қўшиқлар тўдифа этди. Айни пайтда ўзбек халқ амалий санъати усталари томонидан ёғоч, сополдан тайёрланган буюмлар, миллий кийимлар, тақинчоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари меъморий ёдгорликларининг макетлари, шунингдек, уларнинг суратлари ва бошқа тасвирий санъат асарларидан ташкил топган кўргазма маросим иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шуниси диққатга сазоворки, яқинда бу шаҳарда таниқли ўзбек рассомлари Б.Жалолов, Т.Иўлдошев, Б.Бойматов яратган асарларнинг кўргазмалари ҳам муваффақиятли ўтган эди. Улар ижодининг намуналари бу ерда юқори баҳога сазовор бўлди. Жумладан, Кортрейк концерт зали пештоқини Б.Жалоловнинг рангин панноси беэза турибди. У шаҳар раизларидан бирига айланди. Шунингдек, унинг расмлари шаҳар мэриясига кўрк бағишланди. Шаҳар тадбиркорлари Тошкент билан мустақам савдо алоқаларини ўрнатган. Масалан, Ўзбекистонда Белгиянинг тўқимачилик саноати ва гилам тўқиш соҳаси бўйича иш юритувчи машҳур "Пиканол" ва "Мишел Ван Девил" компаниялари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Икки томонлама алоқалар тарихига назар ташладиган бўлсак, маълумки, 80-йиллар

нинг охирида Кортрейкка асос солинганнинг 800 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида, шаҳар маъмурияти хориждаги тўқимачилик саноати тараққиётини таъминлаш билан мустақам алоқа ўрнатилишига қарор қилган. Эеро, тўқимачилик Кортрейк иқтисодийнинг асосини ташкил этди. Бундай талабларга жавоб берадиган шаҳарлар қаторида Тошкент биринчилардан бўлиб турган эди. Ушандаёқ, Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда Белгияга Ўзбекистон маданияти ҳафталиги ўтказилган эди. Ушбу тадбир доирасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиб, икки шаҳар ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди. 1990 йилда эса Кортрейк бургомистри Эммануэл де Бетон жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов бошчилигидаги расмий делегациянинг Кортрейк шаҳрига ташрифи давомида мазкур шаҳар маъмурияти билан музокаралар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Натижада "Хамкорлик" тўғрисидаги қўшма баённома имзоланди. Ташриф давомида Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Сино ҳайкаlining очилиши Ўзбекистон билан Белгия ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий алоқалар изчил ривожланиб, мустақамлаш билан бораётганидан далолат беради. (ЎЗА — "Жаҳон")

### ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҚОЗИРЛИК ҚИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллигининг тўқтинчи йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, компания ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Мажлисини Бош Вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан маданий ишлари вазирини Х.Жўраев, Ўзбекистон халқ шоири, байрам тантаналари сценарийини муаллифи А.Орипов, сахналаштирувчи режиссёр Р.Ҳамидов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди. Мамлакатимизда халқимизнинг мазкур табаруқ байрамини давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг курсатмаларида келиб чиққан ҳолда пухта ҳозирлик кўриладигани таъкидланди. Жойларда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари билан бирга, маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам давом этмоқда. Уларда мустақиллик халқимизнинг не-не асл ўлғонлари томонидан неча асрлик машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилган буюк нёғмат эканлигига, бу йўлда шахид кетган аждодларимизнинг муқабар хотирасини тиклаш, уларнинг эрк ва эркинлик йўлидаги жасоратларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишга қўйилди.

Байрам кўни пўйтахтимизнинг Бош майдонида бўлиб ўтадиган асосий тантаналар ҳам худди мана шу гоьлар асосига қурилади. Мазкур тадбирнинг сценарийида саккиз қисм - саккиз гоьдан иборат. Барчасида халқимизнинг бунёдкорлик, курашчанлик руҳи - миллий гурур, миллий ифтихор туйғулари ўз ифодасини топади. Байрамнинг янада жозибали ўтишини таъминлашда, шубҳасиз, мамлакатимизда аёнанага айланган қўлган "Ўзбекистон - Ватаним" қўшиқ танловининг ўрни беқубудир. Мажлисда миллий ифтихор байраминга муносиб ҳозирлик кўриш, уни ҳар қанонидан ҳам юксак савидага ўтказиш кўнгилдадигай ташкил этиш борасида дутазадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди. Мажлисда, шунингдек, "Давлат тили тўғрисида" тин қонунинг жойларда қандай бажарилаётганилиги билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилди. Президентнинг Давлат наслатчилари Т.Рисқиев, А.Мелибоев, Э.Хусниддинов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар ҳусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов қатнашди. (ЎЗА)

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ

XXI аср бўсағаси ва янги аср бошларида мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган стратегияси асосида жамиятнинг муваффақиятли ислох қилишининг энг муҳим шартларидан бири барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва жавобгарлигини оширишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимини улар худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалаларини ҳал этиш, қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий аҳамиятга молик норматив ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ алоҳида вазифаларни бажариб келмоқда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Кенгашлари юқори давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ҳаётга сойитиш билан бирга татбиқ этишлари ҳам шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасида тўғридан-тўғри айтилганки, "Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонуналарини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадиган, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладиган, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар".

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИДА

Кеча Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари комиссиясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят ҳокими ўринбосари Қувондик Мадартов ахборот берди. Таъкидланишича, ўрганишлар вилоятда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессияларида, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларидан келиб чиққан вазифаларни ижро этилиши бўйича маълум ишлар амалга оширилаётганини кўрсатди. Сурхондарё вилоятида 1997-2001 йилларда жами 34 та янги типдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда 542 та мактабга, 49 та мактабда 439 нафар, 7 та касб-хунар коллежиди 1557 нафар, қолган ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида 23171 нафар ёшлар таълим олмақда. Вилоятдаги умумтаълим мактабларида 449,2 минг ўқувчи бор. Мажлисда қайд этилишича, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Сурхондарё вилоятида ижро этилишида қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, ўқувчи ўрни етишмаслиги сабабли умумтаълим мактабларининг 70 фоизи икки сменада ишлаяпти. Термиз шаҳар, Жарқурғон, Шўрчи, Денов ва Шеробод туманларидаги мактабларда ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши 70-80 фоиз, Бойсун, Термиз, Бандихон туманларида 55-65 фоизни ташкил этади. Вилоят мактабларида чет тили, бошланғич таълим, ўзбек тили ва адабиёти, математика, кимё, физика, тарих фанларидан ўқитувчилар етишмайди. Умумтаълим мактабларининг компьютер билан таъминланганлик даражаси атиги 24,5 фоизни ташкил этади. Ангор ва Қизирқ туманларида она тили, математика, биология, кимё ва тарих фанларидан ўзлаштириш даражаси анча паст. Термиз давлат университетиди 1989 йилда бошланган бош ўқув корпусининг қурилиши ханузгача тугалланмаган, 11 факультетдан 9 тасида ўқиб икки сменада ташкил этилган. Талабаларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганлиги 67 фоизни ташкил этади. Университетда профессор-ўқитувчилар етарли бўлишига қарамай, негизди магистрларни тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Йилгилида, шунингдек, айрим соҳалар бўйича олий маълумотли мутахассислар етишмаётганлиги ҳам қайд этилди. Қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Исмаил ХУДОЁРОВ.

### ЎЗБЕКISTON ЎЗ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ КЕНГ ҚўЛАМАЛ ИЎЛАШТИРИШГА КИРИШСА, «ҚОРА ОЛТИН» ҚАЗИБ ОЛИШ БОРАСИДА ҚўШИЛАРИНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ КЕТИШИ МУМКИН

Мехман ГАФАРЛИ (Москва). Яқин келажакда Ўзбекистон минтақанинг катта нефт ва газ марказига айланб, бу борада йилига 26 миллион тонна нефт қазиб чиқариладиган қўшни Қозғистонни ортда қолдириши мумкин. Жаҳоннинг энг аввало, Европа ва АҚШ етакчи нефт компанияларининг илмий марказлари берган баҳога қараганда, Ўзбекистондаги нефт ва газ захиралари Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг жами ресурсларидан бир неча баробар қўлдири. Ушбу марказлар экспертларининг фикрича, Ўзбекистонда нефт ва газни қазиб олиш анча тежамли ҳамда самарали ва экспортнинг асосий қисмини энергия ресурслари ташкил этадиган қўшни республикалардагига нисбатан камроқ харажат талаб қиладди. Бундай ишончли фикрлар учун республикада барча зарур иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд. Ўзбекистонда 1991-1999 йиллардаги мустақил ривожланиш даврида бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш борасида улкан ютуқларга эришилди. Иқтисодий, банк тизимидидаги ислохотлар жараёни тезлашди, ишлаб чиқариш таъзиули бартараф этилди, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизими яратилди. Қўп укладли иқтисодийни ривожлантириш жараёни жадал суратда р билан олиб боришмоқда. Айниқса, нефт ва газ соҳасида узоқ муддатли, жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги инвестициялаш стратегиясини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келди. (Давоми 2-бетда).





